

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
DSc.20/13.05.2020 Ss.23.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ҚИЛИЧЕВ АБРОР БАРОТОВИЧ**

**АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ИНСТИТУТЛАРНИНГ ИШЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ  
(сиёсий таҳлил)**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАҢЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) в политологии**

**Contents of dissertation abstract  
of philosophy (PhD) in political science**

**Қиличев Аброр Баротович**

Амир Темур давлатида ижтимоий-сиёсий институтларнинг ишлаш  
механизмлари.....3

**Қиличев Аброр Баротович**

Механизмы функционирования социально-политических институтов в  
государстве Амира Темура.....23

**Kilichev Abror Barotovich**

The mechanisms of functioning of sociopolitical institutions in the state of Amir  
Temur.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
The list of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
DSc.20/13.05.2020 Ss.23.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ҚИЛИЧЕВ АБРОР БАРОТОВИЧ**

**АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ИНСТИТУТЛАРНИНГ ИШЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ  
(сиёсий таҳлил)**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАҢЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида DSc.03/30.12.2019.S.01.08 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Отамуротов Саъдулла Отамуротович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Назаров Қиёмиддин Нормирзаевич**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Юлдашев Анвар Эргашевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари**  
**академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020 Ss.23.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Ташкент ш. Ислон Каримов кўчаси, 45, 5-қават, 505-хона Тел: 71 2326047).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Ташкент ш. Ислон Каримов кўчаси, 45, 5-қават, 505-хона Тел: 71 2326047.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**К.К.Куранбаев**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д.,  
профессор.

**Н.О.Шодиев**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
сиёсий фанлар бўйича ф.д.,  
(PhD)

**А.Т.Жалилов**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, с.ф.д.,  
профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини куриш бўйича улкан тажриба тўпланган. Айниқса, жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, уларни янада ривожлантиришга оид масалаларга эътибор янада кучаймоқда. Кучли фуқаролик жамияти курилишида омманинг сиёсий онгини замон талаблари даражасида бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада сиёсий ва жамоатчилик институтларининг ўрни беқиёсдир. Шу сабабдан ҳам сўнгги даврларда ривожланган демократик давлатларда сиёсий ҳокимият ўзининг кўп функцияларини босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказмоқда ва шу орқали тинч, осойишта тараққиётини таъминламоқда. Ушбу ижтимоий жараён қонуниятларини ўрганиш, натижаларини амалиётга татбиқ этиш бугунги кунда сиёсатшунослик фанининг ўта долзарб масаласидир. Кучли фуқаролик жамиятини куришни мақсад қилиб қўйган ҳар бир мамлакат давлат бошқаруви тажрибаларига, анъаналари тарихига таяниб иш тутмоқда. Шу боисдан қудратли давлат барпо этган ва уни муваффақият билан бошқарган ҳукмдорларнинг сиёсий бошқаруви тажрибаларини ўрганиш зарурати ортмоқда.

“Мулки Турон” гарчи (XIV-XV асрлар) ўрта асрларда тарих сахнасига чиққан бўлса-да, Амир Темур даҳоси билан давлат бошқарувида сиёсий, ҳарбий, ҳуқуқий ва азалий ижтимоий анъаналар уйғунлашиб, қудратли бир институтга айлантирилди. Шу сабабдан ҳам, Амир Темур шахсига, унинг давлати курилиши тизимида, иқтисодий, ижтимоий сиёсати тарихига бўлган қизиқиш ошиб бормоқда. Натижада бугунги кунда Турон ҳукмдори фаолиятига оид Европада 3000 дан ортиқ, Шарқ халқлари тилларида эса 4000<sup>1</sup> дан ортиқ махсус илмий, адабий-бадиий асарлар дунё юзини кўрди. Франция, Испания, АҚШ, Ҳиндистон, Япония, Покистон, Эрон, Туркия, РФ ҳамда Венгрия каби бир қатор давлатларнинг шарқшунослик марказларида Амир Темурнинг давлатчилиқдаги амалиёти ва ижтимоий сиёсати бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 14 январь куни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини тақдирлаш маросимидаги нутқида: «Ҳар бир аскар, Ватаннинг ҳар бир посбони Амир Темур ва улўғ лашкарбошилариимиз ўғитларини, уларнинг ҳарбий меросини чуқур билиши керак»,<sup>2</sup> - дея юрт ҳимоячилари олдида вазифа қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»,

<sup>1</sup> Амир Темур. Библиография.Т.: «Фан» нашриёти. 2020.- 575 б.

<sup>2</sup> Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини тақдирлашдаги нутқидан. 2021 йил 14 январь. <https://lex.uz/>.

2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 8 сентябрдаги 5185-сон «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 29 январдаги ПҚ-4139-сон «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375-сон «Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейларининг инфратузилмаси, ўқув ва моддий-техник базасини такомиллаштириш бўйича комплекс дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жаmiятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид кўплаб солномалар яратилган. Хусусан, Гиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Фасих Ҳавофий, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофизи Абрў, Муиниддин Натанзий, Иогань Шильтбергер, архиепископ Иоан, Руи Гонсалес де Клавихо, Шарифхон Бидлисий, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, Ал-Мақризий, Ибн Тағриберди, Ибн ал-Фурот<sup>3</sup> каби тарихчиларнинг қимматли тарихий манбаларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Шунингдек, унинг марказлашган давлат тузиши, бошқарув сиёсати, ҳарбий фаолияти, фан ва маданиятни ривожлантиришга кўшган ҳиссасига оид бир қатор илмий ишлар, фундаментал тадқиқотлар яратилган. Уларни туркумламасдан ўрганиб бўлмайди. Амир Темур ва Темурийлар тўғрисида эълон қилинган илмий ишларни, ўз хусусиятига кўра, икки гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳга Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш фаолияти ва бошқарув сиёсатига доир муҳим тадқиқотлар киради. Уларга: машҳур венгер шарқшунос олими Ҳ.Вамбери, рус олимлари В.В.Бартольд, А.М.Беленицкий, Л.Н.Гумилёв, С.М.Соловьев, А.Ю.Якубовский, Л.В.Строева, И.П.Петрушевский, И.Н.Конрад<sup>4</sup> каби олимларнинг илмий-оммабоп тадқиқотларини келтириш мумкин. Шунингдек, яна бир россиялик олим –

<sup>3</sup> Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>4</sup> Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Б.Д.Кочневнинг<sup>5</sup> тадқиқотида Соҳибқирон давлатидаги молия ишлари хусусида сўз кетса-да, айнан ушбу молия сиёсатида марказлашган давлат гоёси ҳақида фикрлар берилган.

Француз олимлари – Р.Груссе, Л.Керэн, Ле Ру тадқиқотлари, шунингдек, инглиз олимлари Е.Росс ҳамда Х.Хукхэмнинг тадқиқотлари, америкалик олимлар – Л.Комаров, Ф.Манц ҳамда канадалик тадқиқотчи Г.Голомбек асарлари ҳам шулар жумласидан. Румин олими Александреску Дерг ўз тадқиқотида Амир Темур билан Йилдирим Боязид ўртасидаги сиёсий муносабатларга тўхталиб, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви сиёсати ҳақидаги қиёсий таҳлилларини келтиради. Шунингдек, академик И.М.Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» асари ҳам бу борада салмоқли ўрин эгаллайди. Чунки мазкур асар собиқ Шўро мафкураси ҳукмрон бўлган бир пайтда яратилган ва Амир Темурнинг Марказий Осиё халқлари сиёсий тарихида тутган мавқеига алоҳида уруғу берилиши билан диққатга сазовордир. Ўзбек олимлари: М.А.Абдураимов, Н.Ғоипов, Р.Мукминова, Г.Пугаченкова, А.Саидов, К.Норматов, Т.Файзиев, Азамат Зиё, Т.Алимардонов ҳамда Ш.Ўлжаеваларнинг<sup>6</sup> асарларида ҳам Амир Темурнинг марказлашган давлат қуриши ва давлат бошқарувида олиб борган сиёсати таҳлил этилган.

Иккинчи гуруҳга Амир Темурнинг йирик давлат арбоби сифатидаги фаолияти, қўшин қурилиши ва ҳарбий маҳоратига оид тадқиқотларни киритиш мумкин. Хусусан, рус ҳарбий олими М.И.Иваниннинг «О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингизхане и Тамерлане»<sup>7</sup> асарини алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу асарда олим Амир Темурнинг ҳарбий фаолиятига ҳарбий мутахассис сифатида ёндашади. Зеро, М.И.Иванин ўз даврида Россия ҳарбий академиясида уруш тактикасидан сабоқ берган. Шунинг учун у Соҳибқироннинг қўшин тузиш, уни сақлаш, ҳарбий тактикаларини муфассал таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Шунингдек, рус олимларидан яна М.Ф.Бороздин, А.А.Росляков, А.Е.Снесарев, Б.Д.Греков ва В.Л.Егоровларнинг тадқиқотларини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Яна бир Рус олимларидан В.Шишов Соҳибқирон ғалабаларини қўшин қурилишидаги мукамаллик билан боғлайди. Грузин олими И.И.Жорджадзе Турон ҳукмдорининг ҳарбий маҳорати аскарларининг шахсий садоқати билан уйғунлашиб кетганига эътибор қаратган. Доғистонлик олимлар Б.Г.Алиев ва Р.С.Шахсаидовларнинг асарларида Амир Темур армиясидаги тартиб-интизом қатъий бўлгани, шунинг учун бу армияга замонсида тенг келадиган бошқа «куч» бўлмаганига урғу берилган. Турк олими Ака Исмоил, татар олими И.М.Мирғалиев, А.Ш.Кадырбаев ҳамда А.Аҳмедов, Ҳ.Бобобеков, А.Мухаммаджонов, Б.Маннонов, У.Уватов, И.И.Умнияков, А.Ўринбоев ҳамда Ҳ.Дадабоев<sup>8</sup> каби

<sup>5</sup> Кочнев Б.Д. Монетное дело в государстве Амира Темура и Темуридов.- М. 2018.- С.304.

<sup>6</sup> Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>7</sup> Иванин М.И. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингизхане и Тамерлане. – СПб. 1875. – 240 с.

<sup>8</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Ўзбек олимларнинг тадқиқотларида Сохибқироннинг йирик давлат арбоби ва мохир саркардалик фаолияти таҳлил қилинган.

Демак, мазкур олимлар Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиши ва мафкурасини, йирик давлат арбоби сифатидаги фаолиятини, қўшин қурилиши ва ҳарбий маҳорати каби йўналишларни атрофлича тадқиқ этганлар. Биз эса, Амир Темур давлатида ижтимоий-сиёсий институтларнинг ишлаш механизмларини сиёсий жиҳатдан таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи ва сиёсати» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Амир Темур давлат бошқаруви тизимида ижтимоий-сиёсий институтларнинг ишлаш механизмларини аниқлаш ва улардан ҳозирги амалиётда фойдаланиш имкониятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Амир Темур давлатидаги бошқарув тизимида оид тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

Амир Темур давлати бошқарув тизимининг моҳияти ва хусусиятларини аниқлаш;

бошқарув тизимининг ишлаш механизмлари, ҳокимият ва халқ ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш жараёнини тадқиқ қилиш;

қурултойнинг ижтимоий-сиёсий мақоми ва унинг давлат бошқарувидаги аҳамиятини илмий тадқиқ этиш;

кенгаш ва бошқа ижтимоий-сиёсий институтларнинг амалиётдаги самарасини аниқлаш;

Амир Темур давлатидаги бошқарув тажрибаларининг ворисийлиги ва демократик жамият қуриш қадриятларини шакллантиришдаги ўрнини кўрсатиб бериш;

Амир Темур давлатидаги бошқарув институтлари тажрибасидан замонавий Ўзбекистонда фойдаланиш жиҳатларини аниқлаш натижасида таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Амир Темур давлат бошқаруви тизимидаги ижтимоий-сиёсий институтлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** Амир Темур давлатида ижтимоий-сиёсий институтларнинг ишлаш механизмлари мақоми, роли, аҳамияти ва имкониятлари каби масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихийлик, тизимлилик, қиёсий, сиёсий ва фалсафий таҳлил, таққослаш, умумлаштириш, ўзаро боғлиқлик усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Амир Темур давлати бошқарув тизимида оид тажрибаларни ўрганиш асосида ижтимоий-сиёсий институтларнинг ишлаш механизмлари таҳлил



этилган;

Амир Темурнинг давлат сиёсатида бошқарув институтлари тизимининг самарали ишлаш механизмларининг ўзига хос жиҳатлари аниқланган ҳамда мазкур давлатда бошқарув тизимидаги институтларнинг ўзаро мувозанатда намоён бўлиш жараёни илмий асосланган;

Амир Темурнинг давлат ва жамият сиёсий яхлитлигини таъминлаш учун бошқарувни қурултой, кенгаш каби ижтимоий-сиёсий институтлар воситасида амалга оширгани аниқланган;

Амир Темур давлатидаги қурултой ва кенгашларнинг ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик қадриятлари сифатидаги моҳияти очиқ берилган ҳамда ундан замонавий Ўзбекистонда демократик ва фуқаролик жамияти асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятлари илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Амир Темур давлат бошқаруви тажрибаларининг замонавий Ўзбекистонда давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, адолатли қонун устуворлигини таъминлашдаги ўрни, аҳамияти асослаб берилган;

Турон ҳукмдорининг давлатчилик ғоялари замонавий Ўзбекистонда назарий ва амалий жиҳатдан ишлаётгани илмий асосланган. Амир Темур давлат бошқарув тизими ва бугунги давлатчилигимиз қадриятлари ўртасидаги ворисийликка аниқлик киритилган;

Амир Темур давлат бошқарувидаги қурултой, кенгаш каби ижтимоий-сиёсий институтлар миллий давлатчилигимизнинг негизларидан бирини ташкил этиши, ушбу давлатчилик институтларининг тажрибаси бугунги Ўзбекистонда демократик қадриятларнинг шаклланишига ёрдам бераётганлиги назарий-методологик жиҳатдан аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда мақолалар чоп этилгани, нашр этилган монография ва у ҳақдаги тақриз, хулосалар ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рационаллик, тарихийлик, холислик, тизимлилик принциплари ҳамда фанлараро ёндашувларга асосланганлиги, шу билан бирга, тадқиқот социология ва сиёсатшунослик фанлари методлари асосида ёритилиб, унда ташкилий-структуравий асосларни яратиш зарурлиги далиллангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Амир Темурнинг жамиятдаги ўн икки тоифа билан ишлаш тажрибаларидан бугунги Ўзбекистонда жамият ҳаёти, хусусан, ҳокимият ва аҳоли ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда амалда фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилгани билан изоҳланади.

Шунингдек, давлатнинг ҳарбий қудратини юксалтиришда Амир

Темурнинг кўшин қуриш ва уни идора этиш, хавфсизлик каби масалаларда кенгашлар сиёсатига таяниши юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилгани, давлат хавфсизлигини такомиллаштиришда Амир Темурнинг хавфсизликка оид қарашлари назарий жиҳатдан умумлаштирилиб, ундан фойдаланиш зарурлиги кўрсатилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Амир Темур давлатида ижтимоий-сиёсий институтларнинг ишлаш механизмлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Амир Темур давлати бошқарув тизимига оид тажрибаларни ўрганиш асосида ижтимоий-сиёсий институтларнинг ишлаш механизмлари таҳлил этилганига оид илмий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019-2020 йилларда ўтказилган тарғибот фаолиятида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Республика маънавият ва маърифат маркази томонидан берилган 2021 йил 5 майдаги 02/08-532-сон маълумотномаси). Натижада, маънавий-маърифий тарғибот жараёнларида комиллик мезонларини такомиллаштиришга, илмий асосланган чора-тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқилишига хизмат қилган;

Амир Темурнинг давлат сиёсатида бошқарув институтлари тизимининг самарали ишлаш механизмларининг ўзига хос жиҳатлари аниқланган ҳамда мазкур давлатда бошқарув тизимидаги институтларнинг ўзаро мувозанатда намоён бўлиш жараёнига оид таклиф ва тавсиялардан Республика маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги «Маънавият тарғиботчиси» нодавлат таълим муассасаси фаолиятида кенг фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Республика маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги «Маънавият тарғиботчиси» нодавлат таълим муассасасининг 2020 йил 19 июндаги 06/03-сон маълумотномаси). Натижада, муассасанинг дарсликлари, чора-тадбирлар дастурининг илмий-тарихий жиҳатдан такомиллашувига хизмат қилган;

Амир Темурнинг давлат ва жамият сиёсий яхлитлигини таъминлаш учун бошқарувни қурултой, кенгаш каби ижтимоий-сиёсий институтлар воситасида амалга оширганига оид тавсияларидан Амир Темур хайрия жамоат фонди томонидан тайёрланган «Соҳибқирон Амир Темур» номли қомусида фойдаланилган (Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фондининг 2020 йил 8 октябрдаги 08-09-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу Қомус янги илмий манбалар – тадқиқотнинг «Амир Темур давлати бошқарув тизимининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари», «Амир Темур давлат бошқарув тизимидаги ижтимоий-сиёсий тадбирлар ва уларнинг ишлаш механизми», «Амир Темур давлат бошқаруви тажрибасининг замонавий сиёсий кадриятларини шакллантиришдаги ўрни» каби боблари билан бойитилган;

Амир Темур давлатидаги қурултой ва кенгашларнинг ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик кадриятлари сифатидаги моҳияти очиб берилган ҳамда ундан замонавий Ўзбекистонда демократик ва фуқаролик жамияти асосларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларидан Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фонди фаолиятида фойдаланилган. (Халқаро «Олтин мерос»

хайрия жамоат фондининг 2020 йил 01-51-25/09-20-сон маълумотномаси). Натижада, фонд томонидан нашр этилган «Буюк йўл», «Амир Темур» ва «Икки тўлқин» каби китоблари бошқарувга оид илмий манбалар билан тўлдирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари республика миқёсида ўтказилган 10 та илмий-амалий конференция ва 4 та халқаро илмий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 1 та монография, 22 та (20 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) мақола, 6 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланиб, уларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тавсифлаб берилган, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Амир Темур давлати бошқарув тизимининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари**» деб номланиб, унда Амир Темур давлатида қурултой, кенгаш сингари ижтимоий-сиёсий институтлар амал қилганлиги ҳақида сўз юритилиб, шу билан бирга «бошқарув институтлари» тушунчасига сиёсатшунослик фани нуқтаи назардан аниқлик киритилади, улар сиёсий-фалсафий жихатдан таҳлил ва талқин этилади.

«Бошқарув - бу мақсадга эришишга қаратилган жараён», деб ёзади рус олими М.С.Байнова<sup>9</sup>. Демак, ҳукмдор учун қурултой ва кенгашлар давлат бошқарувини муваффақиятли амалга ошириш учун асосий восита бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам қурултой ва кенгашларнинг бошқарув институтлари сифатида намоён бўлиши мазкур институтларнинг ўзига хос мақомини белгилашга ёрдам беради. «Бошқариш», «бошқарув» ва «ҳокимиятни бошқариш» каби тушунчаларга берилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда «бошқарув институтлари» тушунчасига қуйидагича аниқлик

<sup>9</sup> Байнова М. С. Государственное и муниципальное управление -М.: «Радикс», 2020. - С.25.

киритиш мумкин: **Бошқарув институтлари – бу давлат ҳокимияти тизимида мавжуд бўлган ва амал қиладиган сиёсий ҳокимиятнинг тармоқлари, уларнинг барқарор ишлашига таъсир ўтказувчи ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик ташкилотларидир.**

Амир Темур жамиятдаги ҳукмрон синф вакиллари – бек ва амирлар, лашкарбошилар ёки дин арбоблари билан бирга, оддий халқ билан ҳам яқин бўлишга, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга эътибор қаратган. Чингизийлар курултойларида фақат ҳукмрон синф вакиллари иштирок этган ва асосан, ўша табақанинг манфаатларига хизмат қилган. Шунинг учун, «курултой ва кенгашларда амирлар, вазирлар, қозилар билан бирга, оддий халқ вакиллари – хунармандлар уюшмалари оқсоқоллари, ўз даврининг донишманд кишилари, таниқли баҳодирлар, дин арбоблари қатнашган»<sup>10</sup>. Натижада, мазкур йиғинлар, том маънода, **ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик институти мақомини олган.** Чунки бу ерда кўриладиган ҳар қандай масала нафақат давлат манфаатларини, балки жамиятдаги барча тоифаларнинг талаб-истакларини ҳам ҳисобга олган.

Айни пайтда, бундай бошқарувда Амир Темур сиёсий ҳокимиятининг мавқеи устувор аҳамиятга эга бўлган. Профессор С.Отамуротов тўғри таъкидлаганидек: «Сиёсий ҳокимият деганда, давлат ҳокимияти назарда тутилади. Унинг «ҳокимият»и жамият ва фуқаролар билан бўладиган муносабатларда намоён бўлади. Ана шу муносабатлар жамият ва фуқаролар тараққиётининг йўналишларини белгилаб беради»<sup>11</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, сиёсий ҳокимиятнинг кудрати фақат бошқарувда куч билангина эмас, балки шу билан бирга, халқ ишончи ва унинг қай даражада қўллаб-қувватлашига боғлиқдир. Диссертацияда юқорида илгари сурилган ғояларимиз асосида «бошқарув институтлари» тушунчаси таҳлил этилган ва унинг самарали ишлашига хизмат қилувчи омилларнинг моҳияти очиқ берилган.

«Бошқарув институтлари» тушунчасини замон ва макон нуқтаи назаридан таснифлаш уларнинг маъно-мазмунини аниқ тасаввур этишга имкон беради. Амир Темур яшаган давр ва унинг давлат бошқаруви услубининг ҳозирги замонда амал қиладиган услубларидан фарқ қилувчи жиҳатлари мавжуд. Айниқса, демократик кадриятларнинг кўринишлари, бошқарув тизимининг модернизациялашган «модел»ида ана шу хусусиятлар намоён бўлади. Қолаверса, Амир Темур давлат бошқарувини сиёсий нуқтаи назаридан таҳлил қилиш иккита муҳим жиҳатни ўзида намоён этади: **биринчидан,** Амир Темурнинг ҳокимият билан халқ ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги мувозанатни вужудга келтиришга қаратилган фаолиятининг мазмуни-моҳиятини таҳлил этишда; **иккинчидан,** давлат бошқарувида демократик кадриятларнинг ўз даврига хос жиҳатларини шакллантиришда жамоат «ташкилот»лари ва жамоатчиликка таянганлигини ўрганишда ўз ифодасини топади. Зеро, сиёсат фалсафасида ҳокимият, инсон ва фуқаро муносабатлари, уларнинг манфаатларини ўзаро мувозанатлаштириш ҳамда

<sup>10</sup> Темур тузуклари. (форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.). - Т.: Шарқ, 2005. - 65 бет.

<sup>11</sup> Отамуротов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. - Т.: «Академия», 2005. 302-б.

уларда юзага келадиган муаммоларнинг осон ечимини топиш марказий масала ҳисобланади<sup>12</sup>.

Диссертант Амир Темур давлатчилик сиёсатини юритишда давлатнинг бош йўналишини «Куч – адолатда» ғояси билан белгилашида чуқур маъно ва мазмун бор эди ва буларни қуйидагиларда кўриш мумкин деб ҳисоблайди: **биринчидан**, «Куч – адолатда» ғоясининг Амир Темур наздидаги моҳияти шундаки, давлат адолат билан бошқарилиши керак, агар адолатга путур етса, бундай давлатнинг умри қисқа бўлади; **иккинчидан**, Амир Темур давлатчилигининг асосини «Куч - адолатда» ғояси ташкил этади ва ушбу ғоя давлат бошқарувида мафкура вазифасини ўтайди; **учинчидан**, бу ғоя давлат бошқарувининг барча тизимларига кириб борган ва давлатдаги ҳар бир тизим адолат тамойилларига суянган. Ибн Арабшоҳнинг маълумотига кўра, қўшиндаги тартиб-интизомнинг асосини<sup>13</sup> адолат тамойили ташкил этиши армияда рағбат масаласининг одилона жорий қилингани билан белгиланади.

Шу ўринда «tizim» хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. «Тизим» (system) юнонча сўздан олинган бўлиб, бўлақлардан ташкил топган, асл моҳияти «яхлитлик», «бирлашма» деган маъноларни англатади<sup>14</sup>. Тизимни моҳият нуқтаи назаридан бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Хусусан, иқтисодий тизим; ижтимоий тизим; сиёсий тизим ва ҳоказо. Ушбу тизимлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиши билан бирга, фарқли томонлари ҳам мавжуд, масалан, сиёсий тизим ўзига хос сиёсат ва ҳокимият каби белгилари билан характерланади. Замонавий сиёсий тизим давлат, сиёсий партиялар, жамоат, нодавлат ва ноижорат ташкилотларнинг мажмуасини ўз ичига олади. Сиёсий тизим – жамиятнинг сиёсий тизими ёки жамиятнинг сиёсий тузилмаси – ягона норматив-ҳуқуқий асосда ташкил этилган ҳокимиятни амалга ошириш ва жамият устидан назорат қилиш билан боғлиқ сиёсий субъектларнинг ўзаро муносабатлари мажмуидир. «Сиёсий тизим бу - сиёсий функцияларни, яъни давлат ҳокимияти фаолияти билан боғлиқ бўлган фаолиятни амалга оширадиган давлат ва нодавлат институтларнинг мажмуасидир»<sup>15</sup>, деган таърифни беради Г.В.Атаманчук. Таъкидлаш керакки, сиёсий тизим давлат бошқарувини амалга оширишда қатъиятга асосланиши билан эътиборлидир. Бу ҳолат Амир Темурнинг давлатчилик сиёсатида яққол кўзга ташланади.

«Сиёсий тизим» тушунчаси сиёсий фаолиятнинг муайян жамият тузилмаси ва сиёсий жараёнларнинг турларини ҳамда ўзига хос хусусиятларини англатади<sup>16</sup>. Демак, қурултойнинг оммалашуви сиёсий жараённинг кучайишига ва жамиятнинг давлат билан яхлитлашувига хизмат қилган. Айни пайтда, бу тушунчага қуйидагича таърифлар ҳам берилган «Сиёсий тизим жамиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, жамият тизимидаги элементларни бирлаштириш ва мавжуд имкониятларни амалга

<sup>12</sup> Отамуротов С. Сиёсат фалсафасининг фан сифатидаги макоми//Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. №1. 2015.- 58 б.

<sup>13</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. - Т.: «Меҳнат», 1992.- 716.

<sup>14</sup> Философический энциклопедический словарь. - М.: «Советская энциклопедия», 1983., с.610.

<sup>15</sup> Атаманчук Г.В. Теория государственного управления.- М.: «Омега -Л». 2019.с 63.

<sup>16</sup> Большая Российская энциклопедия, 34 том. 2017. - С.204.

оширишга сафарбар қилувчи механизмдир»<sup>17</sup>. Келтирилган таърифларга кўшилган ҳолда, фикримизча, сиёсий тизим жамиятда мавжуд бўлган давлат ва жамиятнинг барча жиҳатларини эмас, балки сиёсий ҳокимият тармоқларини ташкил этувчи қисмларни ўз ичига олади.

Амир Темур давлатида бошқарув институтларининг катта тизими фаолият олиб борган. Мазкур тизимларнинг ўзаро муносабатлари давлат сиёсатини амалга ошириш – давлат ишларида иштирок, бошқарув давлат фаолияти вазифалари ва мазмунини белгилашда ўзининг амалий ифодасини топган. Амир Темурнинг қурултой, кенгаш сингари ижтимоий-сиёсий бошқарув институтлари жамиятдаги барча ижтимоий кучларнинг билими, тажрибаси, салоҳиятидан унумли фойдаланган.

Россиялик олим Л.А.Бобров «Тамерлан – воин всех времен и народов»<sup>18</sup> деб номланган тадқиқотида Амир Темурнинг ҳарбий, сиёсий фаолиятини таҳлил этар экан, Турон ҳукмдорининг кўшин қурилиши ва уни бошқаришдаги маҳорати ҳақида, хусусан, ҳарбий кадрларни танлашдаги истеъдоди ҳақида таҳлилий фикрлар юритади. Ушбу фикрларга кўшимча равишда айтиш мумкинки, Амир Темур кадр танлашда, биринчи навбатда, унинг ҳалоллиги, юртга садоқати ва шахсий жасорати каби сифатларига катта эътибор қаратган.

Татаристонлик олим И.М.Мирғалиевнинг «Материалы по истории войн Золотой Орды с империей Тимура»<sup>19</sup> номли тадқиқотида Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги сиёсий муносабатлар таҳлил қилинган. Олим «Турон ҳукмдори ўз давлатининг тараққиёти учун Олтин Ўрдани шафқатсизларча маҳв этди ва уни геосиёсий ўйинлардан четлаштирди», деб ёзади. Бизнинг фикримизча, олим геосиёсат масаласида бир томонлама фикр юритади. Айтиш жоизки, Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги зиддиятларнинг кучайишига, биринчи ўринда, Олтин Ўрда хонининг ўртадаги шартларни бузиши сабаб бўлган. Амир Темур Тўхтамишхонни Олтин Ўрда ҳукмдори даражасига кўтарган эди. Лекин Тўхтамишхон Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, бир неча бор юртга бостириб келади ва Занжирсаройни бутунлай вайрон қилади. Шунинг учун ҳам ушбу олимнинг Амир Темур ҳақидаги фикрларига тўлиқ кўшилиб бўлмайди. Чунончи, тожикистонлик тадқиқотчи Г.Турсунова<sup>20</sup> «Амир Темур фаолиятининг асосий босқичлари: 1360-1405 йиллар» номли диссертациясидаги асосий ғоялар ҳам буюк Соҳибқирон Амир Темур амалга оширган ишларни йўққа чиқаришга бағишланган. Тадқиқотнинг «Амир Темурнинг вайронкор фаолияти» номли иккинчи бобида Соҳибқирон бобомиз «ўрта асрнинг энг шафқатсиз талончиси» сифатида таърифланади ва бу «чўпчак»ни илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилади. Энг ачинарлиси, Г.Турсунова илмий ишининг методологик ёндашувида В.И.Лениннинг агрессив асарларига таянади ва шўро мафкурачисининг асарларидан тез-тез

<sup>17</sup> Отамуротов С. Эргашев И. Қодиров А. Политология. -Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 516.

<sup>18</sup> Мазкур тадқиқотчининг асари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

<sup>19</sup> Мазкур тадқиқотчининг асари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

<sup>20</sup> Турсунова Г.Н.Основные этапы деятельности Амира Темура (1360-1405 гг.) –Худжанд, - С.190.

иктибослар келтириб ўтади. Таъкидлаш керакки, ушбу «тадқиқот»да Амир Темур шахсига нисбат берилган «вайронкор характер», «шафқатсиз талончи», «ҳарбий талон-тарож корхоналар ҳукмдори»<sup>21</sup> деган сўзларда холислик йўқ. Агар Соҳибқирон Амир Темур фаолиятида бузғунчилик, вайронкорлик устун бўлганда, дунёнинг ўша пайтдаги йирик олимларидан бўлмиш Ибн Халдун у зот ҳақида хушнудлик билан ёзмаган бўларди. Шу боис ҳам, диссертант Г.Турсунованинг ушбу нореал тадқиқотидаги ҳақиқатдан узоқ фикрлари ўзи таянган «шўропарастлик» ғояси сингари эзгуликка хизмат қилмайди, деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат қурилишининг муҳим институтлари бўлган Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлиснинг юқори палатаси – Сенат, Қонунчилик палатаси, Адлия тизими ва мустақил суд ҳокимияти, жамоат ва нодавлат ташкилотларининг фаолиятини йўлга қўйишда Амир Темур давлатида тажрибадан ўтган қурултой ва кенгашлар, уларнинг қонун қабул қилиш ҳамда ижросини таъминлашдаги анъаналаридан фойдаланилган, дейиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Амир Темур давлат бошқарув тизимидаги сиёсий тадбирлар ва уларнинг ишлаш механизми**» деб аталган. Унда қурултой, кенгашлар ўз даври даражасида демократик бошқарув сиёсий институтлари сифатида Амир Темур давлатида катта ўрин тутгани, айнан шу институтларда Соҳибқирон давлатчилиги бошқарилишининг асослари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилгани атрофлича илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Хусусан, маслаҳатлашув, машварат ва кенгашлар орқали давлатчилик борасида амалга оширилган ишларнинг асослари белгилаб олингани илмий асосланган.

Қурултойнинг сиёсий мақоми давлат даражасида бўлган ва у улкан салтанат миқёсида ўтказиб келинган йирик сиёсий маслаҳатлашув органидир. У ўзига салтанатдаги обрўли сиёсий арбоблардан тортиб, ҳокимиятнинг энг қуйи вакилларигача қамраб олган. Муҳими, мазкур йиғинларда оддий халқ вакиллари ҳам иштирок этган. Ушбу қурултойларни бугунги кунда амал қилаётган демократик институтларнинг мақоми ва имкониятлари билан тенглаштириб бўлмайди. Лекин ҳозирги ушбу маслаҳатлашув йиғинларининг илк назариялари Амир Темур давлатида яратилгинини эътироф этиш зарур. Айни чоғда, Ўзбекистонда демократик институтлар фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омили сифатида амалиётга татбиқ этилмоқда. Уларга доир кенг кўламда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотчи В.В.Митиннинг таъкидлашича, қурултой – маслаҳат йиғини сифатида бутун туркий халқларнинг давлат бошқарувида олий орган вазифасини бажарган. Бу Европа давлатларидаги парламентларнинг муқобил варианты ҳамдир<sup>22</sup>.

Амир Темур қурултойда салтанат миқёсидаги йирик, кўламдор

<sup>21</sup> Турсунова Г.Н. Основные этапы деятельности Амира Темура (1360-1405 гг.) –Худжанд, - С.190

<sup>22</sup> Митин В.В. Курултай 1235 г.и стратегия завоевательных походов монголов.-Псковский военно-исторический вестник, 2017.- С.57.

вазифаларни ҳал қилиб олган. Бунга салтанатга хавф солиб турган душман мақомидаги айрим давлатларни элчилар воситасида битим тузиш ва мурасага чақириш, агар кўнмаса, ҳарбий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш каби масалалар ҳам киритилган. Амир Темур давлатида ўтказилган қурултойнинг «сиёсий тадбир» сифатидаги мақоми маслаҳатлашув йиғинида кўриб чиқиладиган ижтимоий-сиёсий масалаларнинг моҳияти билан белгиланади. Мазкур ижтимоий-сиёсий масалалар таҳлил этилганда аён бўладики, қурултойда давлат ва жамият ривожини учун энг зарур масалалар кўриб чиқилган. **Биринчидан**, қурултой салтанатнинг олий органи вазифасини бажарган; **иккинчидан**, унда нафақат феодал қатлам, балки оддий халқ вакиллари ҳам қатнашган. Хукмдор ҳарбий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларнинг ечимини топишда қурултойдан фойдаланган. Демак, қурултой ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан «ижтимоий-сиёсий тадбир» сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Унда кўриладиган масалалар ва қатнашувчи ижтимоий гуруҳлар ушбу фикримизни тасдиқламоқда.

Демократик бошқарув институтлари – қурултой, кенгаш каби олий сиёсий-ижтимоий институтлардан энг қуйи – қишлоқ оқсоқолларигача бўлган тизим, маслаҳатлашув принципага кўра, кўпчиликнинг фикри билан ҳисоблашган ҳолда ишлашга асосланади. «Ишларимнинг барисида аввал кенгаш-маслаҳат қўлладим, ишни бажаришга киришар эканман, олдиндан чора-тадбирлар белгилаб қўярдим»<sup>23</sup>.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Амир Темур маслаҳатлашув институтлари орқали давлат ва жамиятнинг муносабатларини мувофиқлаштириб борган. Маълумки, XIV асргача ҳам қадим Турон ҳудудида оламга доврқ солган улуғ салтанатлар бўлган<sup>24</sup>, лекин улар Соҳибқирон Амир Темур давридагидек марказлашмаган, қонун-қоидалар бир маромда ишламаган. Шунинг учун ҳам Амир Темур қурган давлат ўтмишдошларидан кескин фарқ қилади. Амир Темурдек давлат арбоби, беназир зот асос солган буюк империяда давлатни бошқарувчи «механизмлар» – ижтимоий-сиёсий институтлар тузилмаси мавжуд бўлган. (1-расм)


Демак, бошқарув тизими бўйсунтириш жиҳатдан вертикал ҳолатда, аммо муаммолар ечими, қарорлар қабул қилиш жиҳатдан «қуйидан» юқорига тамойили асосида ишлаган. Бу тизимда қурултой, кенгаш каби ижтимоий-сиёсий институтларнинг мавқеи мустаҳкам бўлган, дейишга асослар мавжуд; қурултой, кенгаш сингари ижтимоий-сиёсий тадбирлар демократик институти яққаҳоқимликни назарда тутмайди, балки унинг фаолиятини, жамиятнинг барча аъзолари манфаатларини ҳисобга олади; қурултой, кенгашлар мақомлари жиҳатидан маслаҳатлашув институтлари эди. Аммо уларда иштирокчиларнинг камрови, ҳал қилинадиган масалалар бир-биридан фарқ қилган. Улар давлат бошқаруви фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришга ижобий таъсир кўрсатган. Амир Темур давлат бошқарувидаги бу амалиёт ҳозирги даврда миллий давлатчилигимизни такомиллаштириш жараёни учун

<sup>23</sup> Темур тузуклари. (форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов, тарж.). - Т.: Шарқ, 2005.- 146.

<sup>24</sup> Мазкур муаллифнинг асари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.



ҳам амалий аҳамиятга эга. Бундай тамойил ҳокимият билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.



**1-расм: Амир Темур давлат бошқарувининг ишлаш механизмлари**

Демак, кенгаш Амир Темур давлатида бошқарувнинг юқори органи вазифасини бажарувчи субъект вазифасини ўтаган. Таниқли рус олими С.Г.Кара-Мурзанинг фикрича, кенгашнинг асосий вазифаси давлат устунларини мустаҳкамлашдан иборатдир<sup>25</sup>. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, кенгаш ўта сиёсийлашган орган сифатида ҳам намоён бўлади. «Кенгаш - маълум бир мақсадни кўзлаб чақириладиган махсус йиғиндир»<sup>26</sup>. Шунини таъкидлаш керакки, юқорида келтирилганидек, Амир Темурнинг кенгашлари сиёсий, ҳарбий, иқтисодий масалаларни қамраб олган. Кенгаш давлатнинг ўта муҳим масалаларини кўриб чиқувчи сиёсий тадбир сифатида салтанат сиёсатини мувофиқлаштиришда, шубҳасиз, катта роль ўйнаган. Бугунги кунда ҳам кенгашнинг мавқеи замонавий давлатларнинг сиёсий ҳаётида юқори ўринда туриб, гарчи шаклан ўзгарган бўлса-да, моҳиятан ўзгармаган. Бунга мисол тариқасида дунё миқёсида давлатлар томонидан ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва хавфсизлик каби масалалардаги кенгашларни келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда, жаҳоннинг тараққий этган давлатлари ҳам бошқарув институтлари кенгашлар сиёсатидан унумли фойдаланиб келади.

Таҳлилларимиз кўрсатадики, давлатнинг қудрати ҳукмдорнинг шахсига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, Амир Темур кучли ва донишманд ҳукмдор

<sup>25</sup> Кара-Мурза С.Г. История государства и права России. - М.: Издательство «Былина», 1998. - С.76.

<sup>26</sup> Мазкур муаллифнинг асари диссертациянинг адабиётлар рўйхатида келтирилган.

сифатида давлат сиёсатини якка ўзи эмас, балки кўпчиликнинг фикрини ҳисобга олиб юритгани диққатга сазовор ҳодиса. Жумладан, у кенгашлар сиёсати воситасида ўзининг қарашлари ва ғояларини амалга татбиқ этиб борган. Мазкур кенгашларнинг самарасини биз унинг ҳарбий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлари самарали амалга оширилганида кўрамиз. Энг асосийси, ана шу ислоҳотларни рўёбга чиқаришда ҳокимият билан омманинг ўзаро ҳамжиҳатликда ишлаши учун шарт-шароитлар яратилди. Ҳар қандай бошқарувда, айниқса, давлат бошқарувида буни ҳисобга олмаслик амалиётда кутилган самарани бермайди. Аммо унга эришиш осон иш эмас. Чунки бу жараён манфаатларни ўзаро мувозанатлаштиришни талаб этади. Шу маънода, бу масала, сиёсатшуносликда изчиллик билан таҳлил қилиниши керак бўлган ўзак муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

